



Ўзбекистон Халқ Ҳаракати барча мўмин-мусулмонларни Қурбон ҳайити билан муборакбод этади!

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Ислом Умматини яна бир Ислом шоҳидёнасига етказди.

Бу муборак айём Аллоҳ таоло бандаларининг дуоларини қабул қилади, гуноҳларини мағфират қилади.

Улар қаторида сизларни ва бизларни ҳам мағфират этсин, барча тоат-ибодатларимизни қабул

қилсин, ҳаётимизнинг охириги нафасигача ёлғиз Ўзига ибодат қилиб ўтказишни муяссар айласин.

Ер юзида зулм ва истибодга қарши курашаётган, ва бу курашга моли ва жонини фидо этган барча ҳақгўй зотларни собитқадам айласин ва Ўз хузуридан нусрат ва зафар насиб этсин.

Зиндонларда азоб чекаётган мусулмон биродарларимиз ва опа-сингилларимизнинг ҳам ўз оилалари кучоғига соғ-саломат ва иззат билан қайтишларига муваффақ айласин! Бу кунларга етолмаган мусулмон биродарларимиз, ота-она, ака-ука, опа-сингилларимизни мағфират этсин, охиратларини обод қилсин!

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

БИР ҚАҲРАМОН КУТЯПМИЗ

Усмон Сердангечти
(1917-1983)

Қалъа каби тик бошинг
бўдўтлар-ла ёришин,
Долга-долга сочларинг
шамолларга қоришин!
Исмингни нақш этайлик
эски-қадим сурларга,
Сасингни ҳайқирайлик
асрдан асрларга! . .
Савлатингдан титрасин
Шарқу-Ғарбларнинг тахти
Ва қурилсин Оллоҳнинг
абдий салтанати.
Уфқларни қопласин
байроқларимиз ол, ол
Зафаримизни чизсин
кўкка ваҳший бир қартол! . .
Қаҳрамонлар улгайсин
эртакда дев мисоли,
Эгилсин ўпсин кўклар,
жоним нозли ҳилолни. .
Ўрдулар ҳам янгидан
Тунага оқин этсин!
Бир йилдирим чақсин-да,
узоқни яқин этсин!
Тик турсин қаршинда
бутун шарафлар, шонлар!
Номини табъжил этсин
юлдузлар қаққашонлар
Ичимда ҳеч сўнмаган
бир фатҳ савдоси бор,
Ёвуз каби дейман мен:

«Бу дунё инсонга тор!»

Бир садо эшитмакчун
сахроларга тушайин
Ҳалол бўлсун бу йўлда
борим-йўғим, ҳар шейим!
Вулқон каби лов отмиш,
на ўчмиш, на сўнмишам
Мен бу иймон йўлинда
дали каби дўнмишам.
Бир даҳо кутаяпмиз,
ёшларга меҳроб бўлсун,
Рухларни ўт олдирган бир отаи,
миҳроқ бўлсун!
Сийнасида бирлашсин
соғ-сўлни соғинганлар,
Қаҳр бўлсун Ҳақ тураркан
золимга сизинганлар!
Чик, нердасан, зухур эт!
Биз сени беклийўруз!
Йиллардир йўлларингда
ҳоргин эмаклийўруз
Мусо бўл! Ҳаққа юксал!
Тажалли эт-да Турга,
Зулмат йиқилсин кетсин!
Жаҳон гарқ бўлеун нурга!
Истийўрум, янгидан бир
ҳилқат истийўрум,
На хаёл, на қурунот,
ҳақиқат истийўрум!
Ҳақиқат, ҳақиқат,
ҳақиқат истийўрум!
Туркия туркчасидан
М. Солиҳ уйғунлаштирди

УСМОН

ҲАҚНАЗАРОВДАН ЯНА БИР «БОМБА» МАҚОЛА

Ўзбекистон режимининг яширин жиноятларини кенг оммага фош этувчи қатор мақолалари билан танилган сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров яна бир бомбани портлатди.

«Саримой фожеасининг ҳақиқати» (Правда о Сарымайской трагедии) деб номланган янги мақола Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтининг русча саҳифасида чоп этилган ва яқин кунларда унинг ўзбек тилидаги таржимаси кутилмоқда.

Мақола, ўз сарлавҳасидан кўриниб турганидек, 1999 йилги Саримой фожеасига бағишланган.

Маълумки, Саримой фожеаси 1999 йил Тошкент портлашларидан кейиноқ бошланиб кетган мусулмонларга нисбатан репрессив сиёсат ва унга жавобан фуқароларнинг қарши ҳаракатларидан бири ҳақида.

Мақолани газетамизнинг 9-10 саҳифасида ўқишингиз мумкин.

ЎХХ таҳририяти



“ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ” ЁЛФОН МАЪЛУМОТ ТАРҚАТДИ

“Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг ширкати айрим хорижий нашрлар ишидан норозилик билдириб баёнот тарқатди.

“Сўнгги вақтлар айрим хорижий интернет нашрлар гўё айрим вилоятлар табиий газ таъминотидан узилиб қолаётгани ҳақида ҳеч қандай асоссиз овозалар тарқатмоқда. Бу ҳам етмагандек, виждонсиз муаллифлар “республика аҳолиси келгусида фақат кўмир ва ўтиндан фойдаланишга ўтади”, деган уйдирма овозалар ҳам тарқатмоқда, деб ёзилган “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг ширкатининг сўнгги баёнотида.

Мазкур ширкатнинг матбуот хизмати томонидан ёйинланган баёнотда республика аҳолисини доимий табиий газ билан таъминлаш бўйича қилинган ишлар ҳақида билдирилган.

“Мамлакат деярли барча ҳудудини қамраб оладиган умумий узунлиги 200 км бўлган газ тақсими тармоғининг капитал таъмир ва реконструкцияси якунланди. Шунингдек, 95 мингдан зиёд газ тақсимот пунктлари техник текширувдан ўтказилди” дея билдирган “Ўзбекнефтегаз” масъуллари.

Мазкур ширкат жумладан Самарқанд вилояти, Фарғона водийси ва республика бир қатор шаҳарларида ҳам аҳолини табиий газ билан таъминлаш бўйича анча яхши ишлар қилинганини иддао қилган.

Хуллас, “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг ширкатининг таъкидича, бу йилги мавсум учун республика бўйлаб 160 мингдан зиёд уйнинг газ таъминоти яхшиланган. Бироқ, мавзу юзасидан саволларимизга жавоб берган ўзбекистонликлар “Ўзбекнефтегаз” ширкати ёлғон маълумот тарқатгани” ни гапирди.

Кўқонлик Валижон ота яшаб турган ўз шаҳарида 2006 йилдан буён табиий газ бериш тўхтатилганини гапирди.

“Бизнинг маҳалламизга 2004 йилда газ трубалари олиб кирилган. Лекин жуда қисқа вақтда, яъни 2006 йилда газ бериш тўхтатилди.

Ҳозир биз томонларда умуман табиий газ деган нарса йўқ. Унинг ўрнига газ балонлар тарқатилиб, шартнома тузилган эди.

Уша балонлар ҳам 9 ойда яна қайтариб олинди. Ҳозир аҳоли роса танг аҳволда қолган. Кўмир, ўтинга аллақачонлар ўтилган. Бу маҳсулотларни олиш имкони бўлмаган аксарият тезак ёқаяпти.

Мен ҳам мол боқаяпман, фақат шу тезаги учун. Бошқа чорамиз йўқ. Ҳар йил шу аҳвол, дейди хавфсизлик нуқтаи назаридан фамилияси ва яшаётган маҳалла номини айтмаган Валижон ота.

Отанинг айтишича, ҳар йили газ балонлар билан боғлиқ фожеалар республиканинг турли туманларида тез-тез қузатилмоқда..

Самарқандлик Абдусаматнинг маҳалладошлари ҳам анча йилдан буён уйларини кўмир ўтин билан, ночорроқ оилалар эса тезак ёқиб иситаётган экан.

“Газ масаласи йилдан йилга қийин бўлиб кетаяпти. “Ўзбекнефтегаз” одамларни чалғитиш учун гапир-раверади—да ҳар нарса деб. Ҳар йили кўмир ўтин билан қишдан чиқаяпмиз. Кейинги йиллар кўмир ҳам, ўтин ҳам йўқ бўлиб тезакка ўтилган ўрта асрлардагидек.

Нима кераги бор бу нарсаларни яширишнинг, дер экан Абдусамат ҳар йили куз-қиш мавсуми арафасида масъуллар маҳаллаларда аҳолини ўтин ва кўмир ғамлаш, олдинда турган қишга пухта тайёргарлик кўриш ҳақида огоҳлантиришини айтади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, табиий газ тақчиллиги сабабли жойларда аҳоли ақсар қисми муқобил ёнилғидан фойдаланиши ортидан кўмир, ўтиннинг нархи кескин ошиб кетган.


Биз билан суҳбатлашган ўзбекистонликларнинг айтишича, айна кунларда бир кило кўмир 800 сўм, бир машина ўтин эса 2.5 миллион сўмдан сотилаяпти.

Ўзбекистон газ қазиб олиш бўйича дунёда саккизинчи ўринда туради.

Аммо шундай бўлсада, дейди мустақил таҳлилчилар “Ўзбекнефтегаз” ширкати ўзлаштираётган маҳаллий газ билан ўз истеъмолчиларини таъминлашга ожизлик қилаётди.

УХХ маркази

Г.КАРИМОВАНИНГ ШАХСИЙ БЛОГИ ҒОЙИБ БЎЛДИ



Гулнора Каримова gkarimova.wordpress.com манзилли шахсий блогини ёпди.

Бир неча ой аввал очилиб, ҳали раскрутка бўлиб ҳам улгурмаган ушбу блогда бор-йўғи учтагина матн ёзилган эди, уларнинг мазмунан саёзлиги ҳамда имловий ва грамматик хатоларга бойлиги анчагина кулгига сабаб ҳам бўлганди.

Масалан, биринчи матнда муаллиф бир қатор давлат мулозимларини порахўрликда айблаган.

Аммо бирортасининг на исми, на кимнинг боласи экани ҳақида лом-мим дейилмаган.

Иккинчи матнда тушуниш қийин бўлган қандайдир бошқарув услублари ҳақида ёзилган. Ғарб муаллифларининг асарларидан илҳомланиб, битилгани сезилиб турадиган бу машқлардан муаллифнинг муддаоси нима? деган саволга жавоб олиш мушкул.

«Саёхатнома» лақабини олган ва энг кўп муҳокама этилган учинчи ва сўнгги матнида эса Президент қизининг Кўқонга сафар қилгани, ва йўлда бирортаям хожатхона тополмагани ҳақида ёзган.

Муаллифнинг ўзи блогнинг ёпилиши ҳақида хануз бирор изоҳ билдирмади. Афтидан, чаласавод хизматкорлар ёзиб берган матнлар кўнгилдаги самарани бермади шекилли, чунки порахўр мулозимлар ҳалиям ўз курсларида эмин-эркин ўтирибди, Кўқон йўлларида эса хануз бирор хожатхона пайдо бўлгани йўқ.

Агар Г.Каримованинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги айтиб келинган бўлса, энди унинг аккаунтлари бирин-кетин йўқ бўлаётди.

Яқинда унинг Твиттердаги аккаунти қаергадир ғойиб бўлган эди.

Энди эса, мана, бечора блог.

Кейингиси-чи?..

Сирожиддин Султонов

АНДИЖОНЛИК АЁЛЛАР НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Андижонлик уй бекаларини куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр тақчиллиги, тоза сув муаммосидан норозилик намойишига ҳозирланмоқда. Бу ҳақда ЎХХнинг Андижондаги манбаси хабар беради. “Ҳозир пахта масаласи роса оғир, ўзи одамларнинг асаби чарчаган. Худди қазарма ҳолати эълон қилингандек. Кечки соат 9 дан кейин кўчага чиққан одамни тутиб олиб, эрта тонгда пахта даласига ҳайдаппти. Бу йилги пахта масаласи ўтган йилгидан баттар оғир. Уйга келасан – газ, свет, сув йўқ. Бу қанақа ҳаёт? Нега ҳокимларнинг уйида ҳамма нарса бор? Нега ҳокимларнинг оиласи, болалари далага чиқмайди, оддий халқ чиқади? Ҳожи оналар, 60 ёшдан ошган боболар? Булар бу ёшда пахта даласида ўлиб кетадими?” дейди исми сир қолишини сўраган андижонлик аёл.

Аёлнинг айтишича, андижонликларнинг ғазабини кўзғатган бошқа яна бир нарса – “ҳозир маҳаллақўм, мелеси ва бошқа майда мулозимлар маҳаллама-маҳалла юриб қайси оиладан ким, неча киши, нима учун чет элга кетгани ҳақидаги сўровномани тўлдириб юрибди”. – Бизникига ҳам кирибди, келининг чет-элда экан. Ким, нега, қаерга кетган, у ерда легалми, нолегалми, деб кекса қайнонамни роса сўроқ-савол қилибди. Қайнонам “нега бунақа сўраясан, нима максатда”, деб сўрасалар, “биздан хафа бўлманг, бизга ҳам тепадан “билиб қўй”, деган буйруқ бор”, деган ўша одамлар. Шундан асаблари чарчаган аёлларимиз “бор-э отса, отворсин”, деб забастовкага чиқмоқчи, – дейди андижонлик суҳбатдош.

Халқни нима жунбушга келтиради?

Ўзини Насибохон, деб таништирган андижонлик бошқа бир аёл ЎХХ матбуот вакилларида унинг айтганларини сайтда эълон қилишни сўради. “Айтаётган гапларимни ёзиб олиб “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати”га мақола қилиб ёзишингизни илтимос қиламан. Ўқисин муҳожиратдаги ўзбеклар. Мен мана шу ердан қақир килмоқчиман. Қачонгача бегона юртда аёлларимизнинг номуси топталади? Эракларимиз бировларга қуллик қилади? Пулсиз кўчага ҳайдалади? Қачонгача учинчи сорт одам бўлиб яшаймиз? Ҳозир биз АҚШ, ООН, ОБСЕ, Европа Иттифоқи кабилардан ёрдам кутиб яшашимиз нотўғри ва фойдасиз. Халқимиз “биз тинчмиз-ку”, деб яшайпти. Аслида қандай тинчмиз? Бир оғиз сўзимизни эркин гапира олмасак!? Оддий бир милисасига гапира олмасак!? Бир фермернинг онасини сўкса, у қуллик қилиб яшаса!? Ўзбек аёли дунёнинг дээрли ҳамма давлатида фойдага айланди, ночорликдан. Кимга керак бунақа тинчлик?! Бизни бошқа яна нима жунбушга келтиради?”, дейди Насибохон.

Андижонлик бу аёл бир кун келиб, албатта Ўзбекистонда халқ кўзғолони юз беришига ишонди.

“Нега бўлмасин, нега? Одамлар кўчада қолган, уйлари бузилишга қўйилган. Кимга керак бу қатта, кенг йўллар? Ўзбекистондан ҳамма чиқиб кетаётган бўлса, ўзи яшаётган одам қолмаётган бўлса, кимга керак ўша йўллар? Йўл бўйидагиларга “уйингни бузиб, икки қават уй қургин”, деб буйриқ берайпти. Имкони йўқларга “уйингни бировига сот”, деяпти. Уйини сотиб қаерга бориб ўтиради бу бечора халқ!? Қоним қайнаб кетади мана шунақа тугуруқсиз буйруқлардан. Бугун тинчман, деб индамасак, эрта индамасак, бу давлатнинг ҳаром томоқлари халқни эзаверади. Ахир боболаримиз золим подшоҳларни кўлидаги кетмони билан ҳам тахтдан ағдарганку! – дейди хорижда яшаётган андижонлик ўзбек аёли. У уч нафар вояга етмаган боласини кўрмаганига роса беш йил тўлганини, баъзида соғинчдан ўрганиб, узок тунларни тишини тишига қўйиб кунга улаётганини айтди.

Муҳолифат нима қилайпти?

“Ҳозир одамлар Каримовнинг режимида чарчаган. Битта-яримта атрофидагилар, манфаат кўраётганлар уни қувватламаса, бошқа оддий халқ тезроқ бу режимга барҳам берилишини истайди.

Лекин халққа йўл кўрсатадиган, унинг онгини очадиган мақолалар нашр қиладиган одам қани? Қани муҳолифат, у нима билан банд? Нега Тожикистон муҳолифат кучлари бирикди, ўзбек муҳолифати бирика олмаяпти? Муаммо нимада? Майли ўзлари ичкарига киролмаса, ташқаридан туриб халққа йўл кўрсатиб, кўзини очса бўлади-ку! Одамлар хўрланайпти. 8 миллион ўзбек ташқарида қул. Қани ўзбеклик ғуруримиз?!”, дея қатор саволларни ташлайди андижонлик Насибохон.

Суҳбатдошимизга кўра, ўзбек муҳожирларининг ғурурига тегаётган бошқа нарса бу – Ўзбекистон ҳукумати хориждаги фуқаролари ҳақ-хуқуқларига бефарқлиги.

Тожики элчихонаси ҳимоя қилди. Россияда бўлган гаплардан кейин қирғизларни ҳам элчихоналаридан вакил келиб ҳимоя қилди.

Лекин ўзбек бечора етим кўзига ўхшаб, эгасиз, ҳимоясиз четда қолиб кетаяпти. СССР вақтида ҳам шунчалик хўрланмаганмиз, – давом этади Насибохон.

Андижонда ижтимоий оғир аҳвол, хусусан аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ўта ночорлигидан ғазабга келган андижонлик аёллар норозилик намойишига ҳозирлик кўраётганларидан Насибохон ҳам хабардорлиги ва унда иштирок этиши маълум бўлди.

ЎХХ хабар маркази

“ЎЗБЕКЭНЕРГО”НИНГ ЎҒИРЛИГИДАН БЕЗГАН ҚОЗОҒИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯГОНА ЭЛЕКТР ТИЗИМИДАН ЧИҚАДИ



Қозоғистон куз-қиш мавсумида Марказий Осиё ягона электр тизимидан чиқади. “Вести.kg” сайти Қозоғистон электр тармоқларини бошқарувчи “АО КЕГОС” ширкатидаги манбага таяниб шундай хабар тарқатди.

Айтилишича, қозоқ энергетикаларининг бундай қарорга келишига Ўзбекистон томонининг Марказий Осиё ягона электр тизимидан электрни санкциясиз ўзлаштираётгани сабаб бўлган.

Бундай қарор Қирғизистон расмийларини хавотирга солаётгани, чунки, “агар Қозоғистон энергетикалари шундай йўл тутса, у ҳолда Қирғизистон шимолида қарийиб 40 фоизлик электр тақчиллиги юзга келиши мумкин”, деб ёзади шу манба.

Эслатсак, Ўзбекистоннинг “Ўзбекэнерго” ширкати 2011-2012 йилги куз-қиш мавсумида қозоғистонлик энергетикалар ишлаб чиқарган жами 35 миллион долларлик электрни ўзлаштиргани аниқланган эди.

Ўтган йил Ўзбекистон Қозоғистон олдидаги шу қарзини узди.

Бироқ, дейди қозоқ томони, бу йилги мавсум бошидан бери Ўзбекистон томони Марказий Осиё ягона электр тизими доирасида электр қуввати оқими бўйича келишилган графика амал қилмаган ҳолда иш тутмоқда.

Ўзбекистоннинг бундай ҳатти-ҳаракатидан безган Қозоғистон электр тармоқларини бошқарувчи “АО КЕГОС” ширкати куз-қиш мавсумида Марказий Осиё ягона электр тизимидан чиқишга оид қарорини эълон қилган.

ЎХХ хабар маркази



Вацлав Хавел сиёсат билан шуғулланган одам ҳам самимий ва виждонли бўла олишини ўз мисолида кўрсатган сиёсатчи эди.

Прагада 10 йил яшаб, бу шаҳар тимсолларига ҳам кўникдим.

Прага марказидаги муқаддас Вацлавнинг от минган хайкали, Карл кўприги, Кафка музейи...

Бу тимсоллардан бири мен учун Вацлав Хавел эди. Фақат у тош хайкал эмас, балки тирик ва ёнгинамизда эди.

Радио эски бинода пайти у турли анжуманларга тез-тез келиб турар эди. Бир марта журъат қилиб у билан қисқа суҳбатлашиб, расмга ҳам тушган эдим.

Кейинроқ Вацлав Хавелнинг соғлиги ёмонлашди ва анжуманларга камроқ келадиган бўлди.

Декабрнинг 18-куни Вацлав Хавел ўлгани хабарини ҳамкасбим кўнгирак қилиб айтганида автобусда Праганинг Браник деган жойидаги тепалик устида кетиб бораётган эдим.

Декабр ойи бўлишига қарамасдан куёш чарақлаб турар, тепалик остида ястанган шаҳарнинг кизил томларини ярқиратар эди.

Шаҳар худди почта открыткиси каби гўзал ва жозибатор. Шаҳарни тамсил қилган барча тимсоллар ўз жойида. Фақат Вацлав Хавел йўқ энди.

Аммо бир-биридан фаркли уч мамлакат Коммунистик Чехословакия, озод Чехословакия ва мустақил Чехияга президент бўлган Вацлав Хавел ўз ўлимидан кейин ҳам бу мамлакат тимсоли бўлиб қоладигандай кўринди менга.

Прага устида порлаган юрак

2003 йил 17 ноябрида Прага Градидаги муқаддас Иржа ибодатхонаси устида 15 метрлик улкан пушти юрак шакли ёндирилди.

Бу юрак рассом Иржа Давидга оид санъат асари эди. Рассом ғоясига кўра, юрак тасвири Вацлав Хавел пре-

зидентлигининг сўнгги 3 ойида ёниб туриши лозим эди. Вацлав Хавел президентлик курсисини бўшатган куни шаҳар узра порлаган бу улкан юрак сўниши керак эди.

Рассом Иржа Давид: «Бу асарим бизга озодлик ва демократия келтирган етакчига миннатдорлик рамзидир», деган эди.

Шаҳар узра порлаб турган юрак сўнганини кўрганимда ичимда бир маюслик пайдо бўлган эди.

Аммо бу маюслик баробарида «Қани энди менинг мамлакатимда ҳам ўз истаги билан кетадиган президент бўлса» деган орзу ҳам бор эди.

ХАВЕЛ ЮРАГИ

Хавел ва Ўзбекистон

1991 йили Ўзбекистон Коммунистик партияси котиби Ислоҳ Каримов Ўзбекистон президентли бўлиш учун ўз номзодини умумхалқ сайловида қўйди (бундан олдин у парламент тарафидан президент қилиб сайланган эди).

Айни сайловда Эрк демократик партиядан Муҳаммад Солиҳ ҳам қатнашди. Сайлов олдида Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси Турсун Қоратоев билан суҳбатлашган Ислоҳ Каримов ёзувчиларнинг президентлик иддаоси хатарли эканини айтди.

«Мана Хавел президент бўлди, нима қилади у президент бўлиб, китобини ёзмайдими?» деган эди ТВ орқали Каримов. Каримов ўзи истамаган ҳолда Муҳаммад Солиҳни Вацлав Хавел билан параллел қилди.

«Параллел чизиқлар учрашмайди» деган қоида бор чизма геометрияда. Ҳаёт ва сиёсатнинг ассимметрияси эса истиснолардан иборат.

2001 йил адоғида Вацлав Хавел Муҳаммад Солиҳни ўз кўшиқда қабул қилди. Бундан олдин Солиҳ Ўзбекистон талаби билан Прагада хибс қилинган эди. Ўзбек тарафи даъволарини асоссиз деб топган маҳкама Солиҳни оқлади.

Бюрократия хатоси учун узр тилаган Вацлав Хавел Муҳаммад Солиҳ бир муддат ўтирган Панкрац турма-сида ўзи ҳам ўтирганини айтиб, мутоиба қилган эди. 2011 йил 18 декабр куни Хавел оламдан ўтгани ҳақида хабар тарқатган Евронюс канали Вацлав Хавелнинг сўнгги нутқларидан иқтибос келтирди:

«Ҳали ер қуррасида мустабид тизимлар бор экан, биз бу мустабидлардан зулм кўрган диссидентлар ҳимоясига оёққа қалқишга доимо куч топа олишимиз керак.»

Бу сўзлар сиёсат билан шуғулланган одам ҳам самимий ва виждонли бўла олишини ўз мисолида кўрсатган сиёсатчининг умр фалсафаси эди.

Шухрат Бобожон

ТОШКЕНТ БОСИМИ ОСТИДА КИПРЛИК ШИРКАТ ТОЖИКИСТОННИ ТАРК ЭТМОҚЧИ

Кипрнинг Dolen Investments Limited ширкати "Иркутсккабел" нинг Душанбе шаҳридаги ваколатхонаси фаолиятини тўхтатишга қарор қилди.

Россиядаги кабел ишлаб чиқариш энг йирик корхоналаридан бири бўлган "Иркутсккабел" акциясининг 100 фоизига эгалик қилган бу ширкат Тожикистонни унинг қўшниси Ўзбекистон билан чегараларда мавжуд муаммолар туфайли тарк этишга мажбур бўлганини билдирган.

Бу борада хабар тарқатган "Интерфакс" ахборот агентлигининг ёзишича, "Иркутсккабел" ўз маҳсулотини Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилишда қийинчиликларга дуч келган.

Тожикистонни темир йўл орқали ташқи дунёга боғловчи ягона йўл Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади.

"Иркутсккабел" ширкати фаолиятини тугатиш зиммасига юклатилган ваколатхона директори Алишер Қўлдошевнинг таъкидича, жорий йил маҳсулот сотиш ҳажми 2008 йилга нисбатан тўрт баравар қисқарган.

Қўлдошев жанобларига кўра, маҳсулот сотиш ҳажмининг кескин тушиб кетишига сабаби Тожикистонга электротехник маҳсулотлар импортининг Ўзбекистон томонидан "норасмий изоляция" қилинаётганидир.

"Аввал бошда кўрсатгичларимиз жуда яхши эди. Аммо кейин айрим объектив сабаблар билан тушиб кетди. Бу маҳсулот сифати билан боғлиқ эмас.

Балки Ўзбекистоннинг электротехник маҳсулотларни Тожикистонга умуман утказмай қўйганида. Бу энг аввало Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ масала, дейди Алишер Қўлдошев.

Мустақил кузатувчилар фикрича, Душанбе Тошкентнинг ғашини келтираётган лойиҳалари, жумладан Роғун лойиҳасидан воз кечмас экан, Ўзбекистон қўшнисини изоляция қилиш сиёсатини давом эттираверади.

УХХ хабар маркази



Динни инсонлар тамсил этади ва бу тамсилчилар ўзлари яшайдиган жамиятларнинг узвий бир парчаси улароқ давлатчилик қурилишида ўз диний қарашларини акс эттирмаслиги мумкин эмас.

Бугунги диндан тўла мосуво бўлган жамият қуриш ҳаракатларининг жамиятни маънавий жиҳатдан қанчалик аянчли аҳволга олиб келиши мумкинлигини Овруподаги демократик-секуляр давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Албатта, бундан ислом давлатларидаги аҳвол Овруподагидан яхши

ларга тоқатсизлик муносабатини кузатаймиз. Бу боришда Ўзбекистонда исломий жамоаларнинг сиёсий фаолиятини, келажagini бошқалар билан муносабатини қандай тасаввур қиласиз?!

Жавоб: Агар дин сиёсатга аралашаётган бўлса, бунга дин эмас, динга қарши қурашаётганлар сабабчидир.

Дин душманлари динни оёқ ости қилиб, мусулмонларни фақат намоз ўқигани ва ёки хижоб кийгани учун қамоқларда қийнаб ўлдиришади-ю, сўнгра уларга “сиз сиёсатга аралашманг” дейишади.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ИЛМ ЭМАС, АЛЛОҲНИНГ АМРЛАРИ МАЖМУИДИР

ЎХХ сайти таҳририяти баъзи ватандошларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида сиз ЎХХ Норвегия бўлими раиси шоир ва журналист Мақсуд Бекжоннинг жавоблари билан танишасиз

Савол: Дунё бўйлаб, яъни нафақат араб мамлакатлари балки мусулмонлар аҳолисини камчилигини ташкил этадиган мамлакатларда ҳам тобора ривожланиб бораётган исломий сиёсий фаоллик сабаблари сизнингча нимадан иборат?

Жавоб: Бу фаоллашиш энг аввало ислом дунёсига, мусулмонларга қарши бошқа дин мансублари тарафидан бутун дунё бўйлаб босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсати олиб борилаётганига, ислом динини махв этишга қаратилган ёппа ҳаракатга қарши бир жавобдир. Қачонлардир дунё сиёсатини юргизган мусулмонлар бугун учинчи нав тоифага айланди, ислом ақидалари ва урф-одатлари куфр аҳлининг масҳара қилиш объектига айланди ва буни кўриб турган мусулмонлар ортик жим қолишлари мумкин эмасди.

Бир пайтлар маданият ва илм соҳасида овруполиклар мусулмонларга тенглашишга ҳаракат қилган бўлса, бугун мусулмонлар ўз кадриятларини ҳимоя қилиш учун Оврупонинг технологик ютуқларини ўзлаштиришга, Оврупонинг сиёсий қураш методларини ўз мақсадлари учун ишлатишга уринмоқдалар.

Савол: Аслида бу Исломнинг сиёсатга аралашуви табиий жараёнми ёки баъзилар таъкидлаётгани каби аксинча бўлиши дин яъни, Ислом дини бошқа динлар каби сиёсатга аралашмаслиги керакми?!

Жавоб: Дин, шу жумладан, Ислом Дини ҳам ўз ҳолича, инсонларнинг уни ҳаётга тадбиқ этиб-этмаганига қарамай яшай оладиган ва бунинг устига сиёсатга ёки бошқа нарсаларга аралаша оладиган ҳилқат эмасдир.

деган фикр келиб чикмайди. Бу икки хил тоифа ўлкалардаги фарқ бирида бошқасидан кўра камроқ ёки кўпроқ муаммо борлигидан эмас, балки, тенг миқдордаги муаммоларнинг турлича моҳиятда эканлигидан иборатдир. Қилиниши лозим бўлган иш – бу икки хил жамиятдаги ижобий хусусиятларни синтез қилиб, уларни қурилажак янги жамият пойдеворида қўйишдан иборат бўлиши керак.

Мадомики, мусулмон жамиятларининг тараққиётдан орқада қолганига бугун ислом дини сабабчи қилиб кўрсатилаётган экан, демас, мусулмонлар бугун худди минг йил олдин ажодларимиз амалда кўрсатгани каби, замонавий илм-фанларни ўзлаштириб, ислом дини нуфузини ўша ўтмишимизда ажодларимиз эриштирган даражага кўтаришлари лозим.

Динимизнинг кадр-киммати тўғридан-тўғри жамиятимизнинг илм-фан ва тараққиёт борасида юксалиши билан боғлиқлигини тарихимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Пайғамбаримиз(с.а.в) “Бешиқдан қабргача илм изла” деганлар, аммо бу ҳадиси шарифни инсон то қабргача фақат Қуръон ўқиш билан машғул бўлиши лозим, дея талкин қилиш ҳатоидир. Чунки, Қуръони карим илм эмас, Аллоҳнинг амрлари мажмуидир. Илм соҳасида баҳсу-мунозаралар қилинади, тахмин-у гумонлар қилинади, Қуръон эса, мунозаралардан ҳам, тахмин-у гумонлардан ҳам фориғдир.

Савол: Ҳозир дин сиёсатга аралашмаслиги лозим деган мавқеъни ушлаган ватандошларнинг ҳозирги сиёсийлашаётган Исломий жамоа-

Динга қарши зулм ва зуғум давом этар экан, мусулмонлар тобора кўпроқ сиёсийлашаверадилар ва бу табиий ҳолдир. Зотан, мусулмонларнинг сиёсийлашишдан бошқа иложлари ҳам йўқ, бугун мусулмонларнинг сиёсийлашмаслиги яқин орада ислом динининг бутунлай махв этилиш таҳликасини юзага келтириши мумкин. Албатта, Аллоҳ ўз динини ҳимоя қилади, аммо унутмаслигимиз керак-ки, Аллоҳ динини ўз қулларининг қўли билан ҳимоя қилади. “Дин ўз йўлига давлат сиёсати ўз йўлига” бўладиган замон фақат дин узаридан бутун тазйик ва босқилар олиб ташланганидан сўнггина амалга ошиши мумкин.

Дин ва замонавий давлат бошқаруви ўртасида шундай консенсус, келишув имконсиз экани ҳақда фақат дин душманларигина гапириши мумкин.

Ислом ва сиёсат мавзуида яна шуни таъкидлаш лозим-ки, Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг ўзлари ҳам Аллоҳнинг элчиси бўлиши билан бирга, буюк сиёсатчи ҳам эдилар. (зотан “элчи” калимасининг ўзи ҳам бугунги кунимизда сиёсий мазмун ташийди).

Хусусан, пайғамбаримиз тарихидан унинг ўзи олган баъзи қарорларни кейинроқ шароит тақозоси билан ўзгартирганларига гувоҳ бўламиз. Масалан, ҳадислар китобида баён этиладиган бир ривоятга кўра, пайғамбаримиз(с.а.в) бир куни саҳобаларнинг ўз тасарруфларидаги хурмо дарахти гулларини сунъий йўл билан чанглантираётганига шохид бўлиб, саҳобаларга

(Давоми кейинги саҳифада)

ҚУРЪОНИ КАРИМ ИЛМ ЭМАС, АЛЛОҲНИНГ АМРЛАРИ МАЖМУИДИР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бундай қилмасликка амр берганлар, бу – Аллоҳнинг ишига аралашув эканлиги ҳақида огоҳлантирганлар. Натижа шу бўлган-ки, ўша йили хурмолар оз ҳосил бериб, аҳоли ичида қаҳатчилик юзага келган ва шундан сунг бир гуруҳ саҳобалар пайғамбаримиз(с.а.в) ҳузурига келиб, ундан яна хурмо гулларини сунъий чанглантиришга изн беришларини сўраганлар.

Пайғамбаримиз саҳобаларга: “Майли, сиз бу ишни мендан яхшироқ биласиз”, дея олдин қабул қилган қарорларини бекор қилиб, уларга яна гулларни сунъий чанглантиришларига изн берганлар.

Айтилмоқчи бўлган фикр шуки, бугун мусулмонлар ичида ислом энди туғилаётган онда бутпарастларга қарши аёвсиз кураш асносида расм ва тасвирлар борасида қабул қилинган амр ва қарорлар масаласига ҳам шундай ёндашиш имкони ҳақда мулоҳазалар юритилмоқда. Хусусан, Қарзавий сингари баъзи уламолар фотосуратларнинг исломда таъқиқланган тасвирлар сирасига кирмаслиги ҳақда фатво берганлар.

Моҳиятга доир яна бир ибратли ҳадис: ўз саҳобалари билан олис сафарга чиққан пайғамбаримиз(с.а.в) сахро ўртасида турган бир дарахт тагига ўтириб ҳордиқ чиқарибдилар ва сўнгра ўз сафарини давом эттириш учун ўрнидан кўзгалар эканлар, саҳобаларга дарахтни чопиб ташлашни буюрибдилар.

Саҳобалар бундай амрдан хайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганларида, пайғамбаримиз(с.а.в) мусулмонлар бу дарахтни тавоф қилиш масканига айлантиришлари мумкинлигини ўйлаб, шундай амр берганларини тушунтирганлар. Яъни, пайғамбаримизнинг бу хатти-ҳаракатларида илоҳий амрдан кўра, сиёсий зако кўпроқ кўришиб турганлигини эътироф этишимиз лозим.

Айни пайтда пайғамбаримизнинг дарахтни кестирганини мусулмонлар учун суннат сифатида тақдим этиш ҳам мантикли бўлмади.

Хуллас, ислом дини дунё динлари ичида моҳияти энг ойдин бўлган бир диндир ва биз мусулмонлар динимизни чигаллаштримай, унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга тадбиқ этсак, динимиз равнақи учун яхши бўлади, иншоллох.

Мақсуд Бекжон



15 октябрь кунда Москва-нинг Бирюлова мавзесида яна бир ўзбекистонликнинг жонсиз жасади топилганлиги ҳақида маълумот тарқалди. Ҳозирча шахси ҳам аниқ келтирилмаётган ўзбекни рус миллатчиларидир, ёки бошқалардир – ўзбек бўлганлиги учун, тағинда Россияда меҳнат муҳожири бўлиб юрганлиги учун ўлдиришган. Бу қотилликнинг ким томонидан амалга оширилганлиги, ҳамда бу ҳодиса 13 октябрь кунда ғарбий Бирюлёвода миллатчилар томонидан уюштирилган тартибсизликлар билан алоқаси бор-йўқлиги ҳам аниқ эмас экан. Факт

ЎЗБЕКИСТОН — ИНДАМАСЛАР ДИЁРИ

шуки, ўзбек ўзбек бўлганлиги учун, ўзбек муҳожир бўлганлиги учун рус ерида ўз қазосини топди. Аммо бу дастлабки ҳодиса бўлмагани билан, сўнгиси ҳам эмаслигини ҳаммамиз биламиз. Лекин биз индамай кўя қоламиз! Шунақа “индамаслар”га айланганимизга ҳам кўп йиллар бўлди, ким билсин, балки асрлар давомида шунақа “индамас” бўлиб келгандир-миз.

Хўш, ўзбекларни қачонгача ўлдирадилар? Бу каби саволга жавоб топиш осон бўлмаса керак. Чунончи, ўзбекистонликларнинг ўзларида дунё билан баробар яшашга, ортга эмас, олдинга томон юришга ва ўзбекнинг кадр-киммати учун қайғуришга, бир тан, бир жон бўлиб қолишга бўлган интилишнинг ўзи кузатилинмайди.

Бугун Ўзбекистон деган юртнинг фуқароларини дунёнинг ҳар бурчагида учратиш, топиш, ҳаттоки улар билан мулоқот қилиш ҳам мумкин бўлиб қолган бўлсада, аммо бундан биров наф топмайди ҳам. Ҳар доим-гидек, юртдошларимиз елка қисини ва индамасликни ўзларига раво кўришади.

Негадир, ҳамюртлар билан суҳбатлашиб қолсангиз албатта улар қаердан қанча пул топиш, қизини кимга узатиш, қандай тўй қилиш, уй қуришдан бошқа биров нарсени эсламайдилар ҳам. Масалан, дунё ўзбекларини бирлаштириб ватандаги режимга қарши сиёсий кураш олиб

боришга чақирик қилинг, улар сизга вақтлари йўқлигини, жуда ҳам банд эканликларини рўқач қилиб қочиб қолишади.

Аммо “Фалончибой Писмадон жойда ош берапти экан” — деган хабарни етказсангиз, ҳаммалари узун-қисқа бўлиб етиб келишади. Индамай келиб, индамасдан ошни еб, индамай чиқиб кетаверадилар. Демак, бизнинг элимиз фақат ош ейиш учун яралган эл эканда(?). Нафақат ош учун, шунингдек бегона юртларда бегоналар кўлида хор бўлиб ўлиб кетишни ҳам биз ўзбекларга чиқарилганга ўхшайди.

Нега? Негаки, сўнги йилларда, балки сўнги ўн йилликлардадир, халқимизнинг маънавияти шунақа тубан бўлиб қолдики, уни ўзидан бошқа на биров зот, на сиёсат ва на ижтимоий муаммолар қизиқтирмайди ҳам.

Бошқалар эса бизнинг айни мана шу “сифатларимиздан” келиб чиқиб, биз билан шунга яраша муомила қиладиган бўлиб олишди. Ўзбек деган миллат ўз кадр-кимматини йўқотишининг асосий сабаби ҳам мана шунда бўлса керак.

Кимдир бировга текин ишлайдиган кул керак бўлса, у албатта ўзбекларга мурожаат қилади ва бизнинг шундай “ўғлонларимиз” борки, ҳеч тап тортмасдан ўз ҳамюртларини кулликка сотиб юбора олишади.

Нафақат кулликка, ҳаттоки ўзбек қизларини фоҳишалikka сотаётган “ишбилармонларимиз” ҳам кам эмас экан. Ахир бу тоифа одамларга ҳам пул керак, тўйлар қилишлари керак, участкалар қуришни истайдилар, аммо бу бойлик ҳаромдан келадими, ёки ҳалолдан – бунинг мутлоқ аҳамияти йўқ!

Биз шунақа, мустақиллик сабаб, “ўзим чиққан тепа омон бўлсин!” деб яшайдиган йирик бир оломонга айланганмиз.

Таърихда бунақа эллар бўлмаганми? Бўлган албатта! Фақат уларнинг аксари энди ўтмишга айланиб бўлишган ва таърих саҳифаларидагина қолишган ҳолос. Тирик қолган халқларнинг ҳам баъзиларининг қисмати гўзал бўлган бўлса, бошқа ҳолатда жуда ачинарликдир.

Масалан, Америка ҳиндулари худди шундай, ўзаро бирикмаган халқлар эдилар ва бугунги кунларда улар Америка қитъасидаги резервацияларда яшаётган маҳаллий халқларга айланишган. Улар ҳам худди биз ўзбеклардек фақат қорин ғами билан юрганлар.

(Давоми кейинги саҳифада)

Хаёт-момотлари ов қилиш ва ниманидир пишириб ейишдангина иборат бўлганлигини учун ҳам, тараққиётдан буткул узилиб қолишганди. Оқибат эса жуда хунук бўлди, лекин улар мана шу хунук оқибатдан ҳам хафа эмаслар. Ҳар қалай, хафа бўлиш қанақа кечинма эканлигини ҳам билишмаса керак.

Ҳиндуларнинг том тескари деб яхудий халқларини қараш мумкин. Бу миллат вакиллари ҳам токи ик-

хайдаб ўтишади, бошқа ҳолатда ўлгудай дўппослаб уни интернетда намоиш этишади. Хуллас, кимнинг хаёлига нима келса, ўшани қилаверади. Биз эса, одатдагидек индамай жавоб берамиз.

Биз билан суҳбатда бўлган сурхондарёлик меҳнат муҳожирларидан бирининг айтишича, кечки пайтларда Москва ва унинг атрофидаги кўчаларда юриб ҳам бўлмай қолибди. Меҳнат муҳожирлари учун шунақа

мондан чалпак ёғиб бу миллатнинг тақдири ўзгаришини эса биров аниқ башорат қила олмайди.

2005 йилнинг 13 май кунда Андижонда содир бўлган қатъиомдан сўнг бутун Ўзбекистон кўрқиб қолгани рост. Айни шу воқеа сабаб, анчагина ўзбекистонликлар Европа ва Америка қитъасидан ўзларига янги ватан топишди, янги хаёт бошлашди. Бирок бу янги демократия, ҳамда эркинлик мавжуд бўлган жамиятларда ҳам ватандошларимиз худди ўша, ўз уйларида ўрганган одатларини тарқ этиша олмаяпти. Баҳона тайёр: “Аллоҳ биздан сиёсатни сўрамайди, намозимизни, ибодатларимизни сўрайди!”. Қани, бир нима деб кўринг, нақд кофирга чиқариб юборишади.

Эҳтимол, ёлғонларга кўникма ҳосил қилганимиз бизнинг бош муаммомиздир. Ахир айтадиларку, “бу дунё — ёлғон дунё” деб. Гарчи ҳақ дунёга кетишга шошилмаётган эканмиз, балки мана шу ёлғон дунёда қоладиган кегуси авлодларимиз учун нималардир яратиб кетсак, улар учун тинчлик ва хотиржамликни бунёд этган бўлармидик.

Эйтиб қилинг, азиз ватандош, ўзбек деган миллатни қийратиш ҳар бир куннинг ўз тартибига кириб бормоқда. Бирор жойда ўзбекни ўлдирган одам жазога тортилмаяпти. Ҳаттоки Швецияда 2012 йилнинг 22 февраль кунда таниқли имом Обид қори Назаровни отишди. Жиноятга алоқадор бўлган эр-хотинлар қўлга олиндию, аммо суд уларни қўйиб юборди. Тасаввур этинга, агар ўшанда улар Обид қори Назаровни эмас, бирор яхудий равинини отишда иштирок этган бўлсалар швед суди уларни шунчалар осонлик билан қўйиб юборган бўлармиди? Асло йўқ!

Россияда отилган Фуад Рустамхўжаевнинг қотили қани? Нега бу жиноят ордидан биров югурмаяпти? Шунчаки, унда ҳам бир ўзбекни ўлдирди ва бу катта жиноят эмас(!).

Ватанда ҳам ўз милициямиз, ўз хавфсизлик хизматимиз ўзимизни қирғин қилса, бошқалар қараб турса. Биз индамаслар диёриданмиз ва миллатимиз бошига ҳар қандай фалокат қелсада, индамай қараб тураверамиз. Ўзбек аёлларини видеокамера олдида ечинтириб дунёга тарқатаётганлар ҳам ўз милициямиз, ўз божхона хизматимиз ва энг сўнгида эса ўз миллатимиз. Ўзимизни ўзимиз хўрляпмиз ва дунёда адолат йўқлигини айтиб, гоҳида нолиб ҳам қўямиз. Адолат эса кучдадир! Биз бир халқ ва бир эл бўлиб кучга айланмас эканмиз, дунёнинг мана шунақа шармандаси бўлиб қолаверамиз.

Тўлқин Қораев

ЎЗБЕКИСТОН ИНДАМАСЛАР ДИЁРИ

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

кинчи жаҳон урушига қадар энг кўп таъқиб қилинган ва худди бугунги ўзбеклардек, ҳар бири ўзи учун яшайдиган миллат эди. Ҳаттоки ўз ватанлари ҳам йўқ эди уларнинг. Эндиликда эса яхудийлар дунёни идора этадиган миллатга айланишди. Уларни Гитлер Германияси даврида ўтказилган “Холокост” бирлаштира олди ва яхудийлар тушунишдики, токи улар бирлашмасалар яшаб қола олмас эканлар. Бу яшаш учун кураш эди, фақат ёлғиз шахсларнинг эмас, балки бутун миллатнинг яшаб қолиши учун бошланган кураш эди бу. Зотан, яшаш учун борадиган курашлар инсоният шаклланган дастлабки даврларданок давом этиб келаяпти.

Ўзбекистонликлар бу кунларда нима қилсалар дуруст бўларди? Рошти, ҳамюртларимиз нима қилиш кераклигини ҳам билишмайди. Улар қайда бўлсалар ўша ерда тимирсикланиб, худди чумоли уясига озука ташиганидек, нималарнидир ташиб ўз келажакларини яратишга уринишади ҳолок.

Чунки Совет ўтмиши шунақа кўникма ҳосил бўлишига сабаб яратганди. Давлат ўз фуқаролари оромини химоя қилиши, улар эса ўз шахсий келажаклари учун қайгуришлари бизга Совет давридан мерос бўлиб қолган. Аммо ўтмишдаги у давлатимиз энди йўқ, лекин биз бормиз ахир. Одатда юртдошларимиз орзу қиладиган ўша шахсий келажаклари ҳам кўп хавас қилгулик эмас. Тагин ўша участка қуриш, тўй қилиш, элнинг назаридан ўтиб обрў ортириш ва ҳақозолар.

“Обрў” деган нарса ҳам ўша, ўзимизнинг мешчан тасаввуримиздаги ош билан ва унда нечита қўй сўйилиши билангина ўлчанади. Бошқача фикрлай олмаймиз ва миямизда қотиб қолган ақидамиз шунақа.

Шу кунларда Россияда миллатчи гуруҳлар меҳнат муҳожирларини қувиб юришибди. Жумладан.., “кўп ҳолларда”- десак ҳам муболаға бўлмайди – ўзбекларни қувишмоқда. Бир қарасангиз Москва кўчаларида ҳарбий асирларни ҳайдагандек

вазият яралган.

“Илгарилари бемалол юрардик, ҳозир кеч бўлди дегунча, ташқарига ҳам чиқа олмай қолдик”. – дея таъқидлайди у. Суҳбатдошимизнинг келтирганига кўра, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг аксар кўпчилиги ўзлари ишлаётган жойларида яшашаркан.

“Ўзимиз кураётган, ёки таъмирлаётган уйларнинг битта хонасини яшаб туриш учун мослаб олганмиз”. – дея вазиятини тушунтирди у.

Бирок улар бугунги хавфлик вазиятларда ҳам уйларига қайтишни эмас, яшириниб юриб бўлсада, Россияда қолиш ва ишлашни орзу қилишади.

Чунки ватанда иш йўқ, иш топилганида ҳам маош йўқ. Юртимизда иктидорда турган диктатура режими эса ўз фуқароларининг бу аччиқ тақдири билан мутлоқ қизикмаяпти.

Мамлакат раҳбарини ҳам, унинг ҳукуматини ҳам фақат бир нарса қизиктиради: така бўлса ҳам, сут берсин!

Нега биз шу кунга тушдик? Мана шу саволни ҳар ким ўзига бериб кўра олса эди, балки бутун ўзбек муаммоларининг жумбоғини ҳам топган бўлармидик?

Масалан, Ўзбекистонда одамларнинг уйлари бузиб юборишмоқда, аммо бульдозер ҳали ўз уйи остонасигача келмаганлар бу ноқокнуний ҳаракатларни сукут билан кузатишади. Қўшнисининг уйи бузилаётганида, “қўй, индамай тургин, бизникини ҳам бузиб ташлашмасин” дейдиганлар эртага ўзлари ҳам хонавайрон бўлиб кўчада қолишларини тасаввурларига сиғдиришмайдида, “Худо ас-рар” – дея умид қиладилар. Худо эса бунақаларни асрамайди!

“Ўзбекистон – ўзбеклар диёри” деймиз. Айниқса 1991 йилда осмондан тушган мустақилликдан сўнг Бу мамлакатни аслида “ўзбеклар диёри” деб эмас, балки “Ўзбекистон — индамаслар диёри” деб аталса тўғрироқ бўларди. Чунки бу элни ҳар кунга солсалар ҳам, шунақа индамас бўлиб ўтираверишидан толмади. Қачон ос-



Ассалому алайкум хурматли Ис-мат ака!

Бугун ўзбек адабиётининг деяр-ли барча вакиллари ва ҳукумат аҳли «Дунё ўзбеклари»ни ўқиб бораётганини ҳисобга олиб айнан Сизга му-рожаат этишга аҳд килдик.

Содир бўлиб улгирмаган нохуш бир янгилик бор.

Биласиз, яқинда Ўзбекистон ёзув-чилар уюшмасига Муҳаммад Али раис бўлиб келди.

Бу гап билан улар сиёсий хато қилишадиганини сезишгани йўқ.

Улуғбек Ҳамдамни ишдан олиш-га уриниш фақат Муҳаммад Али ва сенатор Иқбол Мирзонинг ташаббу-си билан бўляпти. Улар жиддийрок компрадат топиб, юқорига тақдим этишлари керак.

Улуғбек Ҳамдам редактор ўларок битта “хато”га йўл қўйди. Яъни у та-биатан ҳалол, олижаноб ва соф ада-биётни кадрлагани учун амалдор, ҳукуматга яқинлиги учун керилиб юрадиган ёзувчиларга ялтоқланмади, ҳақиқий адабиёт ривожини учун тер тўқди.

Мустақиллик шароитида пайдо бўлган жиддий адабиёт намуналари-га эътибор қаратди.

Исмаат ака, биз Сизни жасорат-ли ва иймон эътиқодли, энг муҳими – Президентга садоқатли журна-лист сифатида биламиз ва ҳурмат қиламиз.

бадий тафаккурга қарши маъмурий йўл билан курашмоқчи бўляпти.

Бир гапни эслатиб ўтиш лозимки, 1994 йилларда президент Ислоҳ Каримов битта интервьюсида ёшларни Нитше, Фрейд каби Европа модер-низмининг ғоявий асосчиларининг китобларини ўқишга даъват қилган эди.

Бугунги ёзувчилар уюшмасининг янги раиси эса бунинг тескарисини қиляпти. У ё Ислоҳ Каримовнинг бу гапини эшитмаган ё эшитган бўлса ҳам, атай ўзини эшитмаганликка оляпти...

Исмаат ака, Сиз ўз хотираларин-гизда Абдулла Ориповнинг Москва-да инфаркт бўлиб қолган даврини ёзаркансиз, Муҳаммад Али ҳақида ҳам яхши гапларни айтгансиз.

Биз ҳам уни ҳурмат қилардик, унга ишонардик. Лекин амалга чиққанидан кейин одам ўзгараркан...

Ҳали совет идеологияси ҳукмрон

«ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИ БОШ МУҲАРРИРИ ИСМАТ ХУШЕВГА ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ НОМИДАН МАКТУБ

Ёзувчилар уюшмасига раисни ас-лида ёзувчилар сайлаши керак.

Юқоридан сайлангани учун ҳам улар ҳеч нарсадан кўрқмай, ўзбошимчалик билан иш юритиша-ди. Оқибатда ноҳақлик ва зулм авж олади...

Ҳозир Муҳаммад Али ва шоир Иқбол Мирзо ўзларининг шогирдла-ри ёрдамида “Шарқ Юлдузи” журна-ли редактори Мақсад – У. Ҳамдамни ишдан олиш. Улуғбек аканинг били-ми ва ғайрати туйғайли журнал анча жонланган эди.

Улуғбек Ҳамдам журнал саҳифасида янгича шаклда ёзаётган Назар Эшонқул, Раҳимжон Раҳмат, Исажон Султон каби ноширларнинг асарларини эълон қилган эди.

Муҳаммад Алининг айтишича, журналда худди об-ҳаво хабари каби мазмуни тушунарли асарлар эълон қилиниши керак экан.

Модернистик деб аталаётган асарларга йўл йўқ эмиш. Улуғбек Ҳамдам «Шарқ юлдузи» журналида “Янги авлод овози” деган мазмунда кўплаб адабиёт мутахассисларининг фикрларини эълон қилган эди.

Шу суҳбатларда мустақиллик ша-роитида рамзларга асосланган янги адабиёт пайдо бўляпти дейилган эди.

Шу гап кекса ёзувчиларга ёқмабди.

Кекса ёзувчилар назарида мустақиллик даврида ўзбек адабиё-тида ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди.

Каттакон бир м а м л а к а т д а , бугун, Сиздан бошқа мурожаат қиладиган одам топмадик. Бугун ўзбек ёзувчилари шу даражада ёлғиз ва ночор...

Катта ав-лод ёзувчилари адабиётимизда истиқлол даврида янги йуна-лишлар пайдо

бўлганлигини куриқ исбот ва далил-сиз инкор этишяпти.

Ўзбекининг энг зўр ёзувчиси ҳалиям биз деган иддаони намойиш қилишяпти.

Лекин уларнинг бирортаси ҳам мустақиллик даврида эътиборли асар ёзмаган, аниқроғи ёзолмаган...

Кекса авлод Улуғбек Ҳамдамни ишдан олиб янгича ёзаётган ёзувчи-ларни «Шарқ Юлдузи» журналидан узоклаштиришни мақсад қилиб ол-ган.

Уларнинг айтишича, модернизм-нинг ўзбек адабиётига кириб келиши номаъқул эмиш.

“Ўзимизнинг ўзбекизм, истиқлол реализми деган методимиз бор” деб ўта кулгули ва абсурд гапларни гапи-ришяпти.

Хуллас, кекса авлод ёзувчилари адабиётимизда пайдо бўлаётган янги



бўлган СССР даврида Муҳаммад Солиҳ бошлиқ бир гуруҳ ижодкор ёшлар Раъно Абдуллаева ҳақида Политбюрога хат ёзишганини бил-ласиз.

Ўшанда улар кўрқмай хатга имзо қўйишган эди. Ҳолбуки, Со-вет даврининг репрессив машинаси нақадар даҳшатли эканини улар-нинг ҳар бири яхши билган.

Ажабки, бугунги мустақиллик даврида биз Сизга ёзаётган ушбу оддий бир хатга ҳам имзо қўйишга кўркамиз...

Сабабини ўзингиз яхши биласиз ва биз – химоясиз ижодкорларни тўғри тушунасиз деган умиддамиз.

Ҳурмат билан, бир гуруҳ ёзув-чилари номидан: “Насимий, Маш-раб ва Муқимий”...

Дунёдаги энг вахший режимлардан бири бўлган Каримов диктатураси муҳолифат ва диний фаолларни аёвсиз қатағон қилиш ҳамда қийноқларга солиш, Тошкентда февраль портлашларини амалга ошириш, Андижонда минглаб тинч намоийшчиларни отиб ташлаш каби қўплаб қонли жиноятлар билан танилган.

Ушбу мақолада биз Каримов диктатураси томонидан амалга оширилган, аммо миллий ва хорижий жамоатчиликка ҳанузгача номаълум бўлиб келаётган яна бир хунрезлик ҳақида сўз юритишга қарор қилдик. Мазкур мақола мавзуси бўлмиш жиноят вахшийлиги ва қонлилиги бўйича Андижон қатлиомидан ҳам, Тошкентдаги портлашлардан ҳам қолишмайди. Шундай қилиб...

У.ҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Саримой посёлкасида автобусни қўлга олиш воқеаси

1999 йил 29 март куни Темурбек Бобожонов, Саъдулла Бобожонов, Ҳамро Ҳалиллаев ва Полвонназир Хўжаевдан иборат тўрт кишилик гуруҳ “Москва-Тошкент” поездида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга келади ва “Тошкент-Урганч-Янгибозор” (Хоразм вилояти) автобусига ўтиришади. Ўзбекистонга келгунга қадар бу йигитлар мужоҳидларнинг Чеченистондаги лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтишади.

Гуруҳнинг асосий мақсади Хоразм вилояти Янгибозор тумани ИИБ бошлиғи, баъзи терговчилари ва “прессчи”ларини (одамларни қийноққа солувчи ходимларини) ҳамда туман прокурорини ўлдириш бўлган. Янгибозорлик йигитлар маҳаллий кучишлатарлар ва прокурорни бир неча йил илгари қилган бир жинояти – Саъдулла Бобожонови уй чорвасини ўғирлашда гумон қилиб, қаттиқ қийноққа солгани – учун шу тариха жазолашни ният қилганлар. Шу сабабдан Янгибозорга кетаётган гуруҳ пистолет, ўқ ва гранаталар билан қуролланиб олган.

Тошкент темир йўл вокзалидан “Ипподром” шаҳарлараро автостанциясига келган жангарилар Хоразм вилояти Янгибозор тумани марказига борадиган “Икарус” автобусига чиқишади. Бу Янгибозорда қасос амалиётини ўтказишга шошаётган гуруҳнинг хатоси эди. Чунки кейинчалик автобус Хоразм вилояти ҳудудига қираверишда жойлашган “Саримой” Йўл-патрул пости (ЙПП)

га етиб борганда йўловчи аёллардан бири постда турган милиционерларга автобусда янгибозорлик Саъдулла Бобожонов борлигини ҳамда ушбу йигит уй чорвасини ўғрилаганликда гумон қилиниб, Янгибозор ички ишлар бўлими томонидан қидирувга берилганлигини айтади.

Гап шундаки, жангарилар ўтирган “Икарус” автобуси 1999 йил 30 март куни эрталаб “Саримой” ЙППга етгач, постда турган милиционер ва божхоначилар автобус юкхонасида олиб кетилаётган буюмларни текшира бошлайдилар. Текширув пайтида улар Хитойда ишлаб чиқарилган ва йўловчи аёллардан бирига тегишли бўлган товарларнинг катта партиясига дуч келишади. Текширувчилар билан жанжаллашиб кетган тижоратчи аёл: “Менинг товаримга кўз

олайтиргандан кўра, сизлар ўғирлик учун қидирувга берилганларни ушланглар. Ана, шундайлардан биттаси автобусда ўтирибди!” – деб навбатчи милиционерларнинг диққатини Саъдулла Бобожонов томонга қаратади.

С. Бобожонов ўзи сигир ва отларни ўғирлаганликда гумон қилиниб, Янгибозор ИИБ томонидан қидирувга берилганидан беҳабар эди. Ҳақиқатдан ҳам илгари уй чорвасини ўғирлаш бўйича гумон ва тергов қилинган ҳамда қамалиб чиққан барча янгибозорликни маҳаллий изкувар милиционерлар ўзларининг “ментча” одатларига кўра, ёппасига қидирувга беришганди. Саъдулла Бобожонов буни “Саримой”да тўхтатилган автобусда билди.

Янгибозорлик тижоратчи аёлнинг сўзларидан кейин навбатчи милиционерлар аёлни ва унинг товарларини тинч қўйиб, ҳамма йўловчиларнинг паспортларини қайтадан текшира бошлашди. Милиционерлардан бири Саъдулла Бобожоновининг паспортини олиб, йўловчига орқасидан юришни буюрди. С. Бобожонов олдинига жойидан туриб, милиционернинг изидан юра бошлади. Лекин икки-уч қадам отар-отмас чўнтагидан пистолетини олиб чиқиб, милиционернинг оёғидан отиб, уни яралади ва ўз паспортини яраланган милиционернинг қўлидан суғуриб олди. Шундан сўнг у ярадор милиционерни автобусдан ташқарига улоқтирди.

Автобус йўловчилари ва “Саримой” пости навбатчилари орасида саросима бошланиб кетди. Мужоҳидлар эса саросимага берилмасдан вазиятни ўз назоратига олиб, ўз шартларини илгари сура бошла-

дилар. Улар энг аввало шлагбаумни кўтаришни ва йўлни очиб қўйишни талаб қилишди. Бироқ қўрқувга тушиб қолган навбатчилар жангариларнинг талабини бажаришга журъат эта олишмади.

Тушга яқин Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарлари жангари Саъдулла Бобожоновининг отаси Собир Бобожонови Янгибозордан излаб топиб, “Саримой” постига олиб келишди. Кучишлатарларнинг талаби билан ота ўз ўғлидан гаровдаги одамларни озод қилишни илтимос қила бошлади. Саъдулла Бобожонови отасининг илтимосларига рад жавобини берди. “Ота! Буни илтимос қилманг! Буни сиздан “мент”лар талаб қилаётганини билиб турибман. Барибир улар мени ҳам, сизни ҳам аяб ўтиришмайди. Уларга ишонманг!” – деди Саъдулла Бобожонови.

Шундан сўнг жангарилар шлагбаумни кўтаришни ва йўлни очишни яна талаб қилишди. Бироқ кучишлатарлар ҳам қайсарлик қилиб, йўлни очишмади. Шунда мужоҳидлар, агар йўл очилмаса, гаровдагиларни отиб ташлашлари ҳақида огоҳлантиришди.

Урганчдаги раҳбарлари билан телефон орқали мулоқот бошлаган навбатчи милиционер, божхоначи ва мхччилар жангариларнинг бу огоҳлантиришига парво ҳам қилишмади. Шунда жангарилар гуруҳи кучишлатарларни кўрkitиш мақсадида гаровдагилардан бирини отиб ташлашга қарор қилдилар.

Жангарилар гуруҳи йўловчилар орасидан гурланлик бир ёш фермерни танлаб олди. Бу фермер йигит Тошкентдан Саримойгача бўлган йўл давомида автобусда ароқ ичиб, тартибсизлик қилган ва ҳайдовчиларни шўх қўшиқларни баланд овозда қўйишга мажбурлаб келган. Тунда баралла овозда қўйилган ўйноқи қўшиқлардан безиган ва ухлай олмаган йўловчиларнинг шикоятларига жавобан гурланлик фермер: “Бу қўшиқлар қўйилиши учун мен пул тўлаяпман. Сизлар ҳайдовчига мендан кўпроқ тўланглар, ҳайдовчи менинг истагимни эмас, сизларникини бажаради!” – деб, одамларнинг устидан кулиб келган. Кейинчалик баъзи аёл ва кекса йўловчилар қаттиқроқ эътироз билдиришганда ёш фермер уларни энг жирканч сўзлар билан ҳақоратлаган.

Ва 1999 йил 30 март куни йўловчилардан бирини отиб ташлаш масаласи чиққанда жангарилар гуруҳи тунда барчанинг эътиборини ўзига қаратган ўша гурланлик фермерни танлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Жангарилар фермерни олиб келиб, автобуснинг олди эшигидан чиқаришди. Саъдулла Бобожонов тунги безорининг бошига намоиш-корона ўқ узди. Фермернинг жасади автобусдан ташарига улоқтирилди.

“Саримой” постида навбатчиликда турган кучишларлар юз берган ҳодиса ҳақида дарров Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарларига хабар беришди. Бироз вақтдан кейин шлагбаум кўтарилди, ва жангарилар томонидан гаровга олинган автобус Урганч тарафга йўл олди.

У.ҲАҚНАЗАРОВ:

САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Урганч ва Янгибозоргача 150 километрлик (қумликлар ичида — 80 километр ва аҳоли пунктлари ичида — 70 километр) масофани босиб ўтиш керак эди. Бироқ жангарилар Хоразм вилоятининг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларигача етиб бора олмадилар. Чунки автобуснинг ва йўловчиларнинг гаровга олинганидан хабар топган туркменистонлик чегарачилар ўтиш пунктини ёпиб қўйишди, жангарилар билан гаплашишдан ва автобусни Туркменистон ҳудудидан ўтказишдан қатъиян бош тортишди. Гап шундаки, авваллари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Мискин посёлкаси-ни Хоразм вилояти Хазорасп тумани Питнак посёлкаси билан боғловчи темир йўл кўприги 2004 йилда Амударё устида қурилгунга қадар, Хоразмга кетаётган автобуслар, юк ва энгил автомобиллари Туямўйин сув омбори иншоотининг устидан 200 метрлик ҳамда Туркменистон Республикаси ҳудудидан икки километрлик йўлни босиб ўтишга мажбур эдилар.

Шу сабабдан 1999 йил 30 март куни “Икарус” автобуси Туркменистон чегара назорат постига етиб келганда, қўшни республика чегарачилари автобусни ўз ҳудудидан ўтказишдан бош тортди. Бу вазиятда Урганч ва Янгибозорга етиб боришдан умидини узган жангарилар Тошкентга қайтишга қарор қилишди.

Туямўйин сув омборининг иншоотидан ортга қайтгач, жангарилар кучишларлардан ёқилғи тўла янги автобус беришни талаб қилишди. Бунинг эвазига улар барча болаларни, аёлларни ва қарияларни озод қилиб, гаровда фақат эркакларни қолдиришга сўз беришди.

Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарлари янгибозорлик тадбиркорлардан бирига тегишли янги “Мерседес-Бенц” автобусини топишди. Улар тадбиркорнинг авто-

бусини бешикаст қайтариб беришга ёки, автобусга зарар етса, етказилган зарарни қоплашга ваъда беришди.

1999 йил 30 март кунининг ярмида жангарилар ихтиёрига “Мерседес-Бенц” русумли янги автобус топширилди. Шундан сўнг гаровга олинганларни “Икарус”дан “Мерседес-Бенц”га ўтказиш бошланди. Гаровдагиларни бир автобусдан иккинчисига ўтказиётганда мужоҳидлар ўз ваъдасининг устидан чиқишди: ёш болаларни, аёлларни ва кексаларни қўйиб юборишди. Янги автобусга жангарилар фақат эркак йўловчиларни олиб ўтишди.

Шуниси қизик-ки, милиционерларнинг диққатини кидирувдаги Саъдулла Бобожоновга қаратган тижоратчи аёлни ҳам жангарилар қўйиб юборишди. Бундан ташқари, улар мужоҳидлардан бири — Ҳамро Ҳалиллаевнинг мактабдаги собиқ математика ўқитувчисини ҳам қўйиб юборишди. Вахоланки, ўқитувчи ўрта ёшлардаги эркак эди. Ўз ўқитувчисини қўйиб юбораётганда Ҳамро Ҳалиллаев: “Домла, сиз ҳам уйингизга боринг! Ислом одамларни ўз устозларига ҳурмат кўрсатишга чақиради”, — деди.

Гаровдагиларнинг ярми қўйиб юборилгандан кейин янги автобуснинг салонига 28 йўловчи олиб ўтилди. Ва автобус Тошкентга қараб йўл олди. Янги автобусда кетаётиб, жангарилар гаровга олинганларга йўловчиларни ўлдириш нияти йўқлиги ҳақида билдиришди. “Сизларни ўлдириш ниятимиз йўқ. Биз Тошкентга етиб олиб, Ўзбекистондан чиқиб кетмоқчимиз холос. Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, ҳатто Каримов қўшинлари бизга қарши ҳужум бошлаб, ўқ ота бошласалар ҳам, биз сизларни ўлдирмаймиз”, — дея ваъда берди Ҳамро Ҳалиллаев.

Бироқ мужоҳидлар Тошкентга етиб бора олмадилар: ичида жангарилар ва гаровга олинган йўловчилар кетаётган автобус “Саримой” ИППдан Газли ва Бухоро шаҳарлари томонга қараб бир неча километр юргач, автобуснинг йўли “Зил” русумли юк машиналари билан тўсиб қўйилди. Машиналар бу жойга Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги Ички ишлар вазири З.Алматовнинг буйруғига кўра келтирилганди. Шундай қилиб...

Мужоҳидларнинг Алматов билан музокаралари

Аввалига Тошкентдан Бухорога учоқда, кейин эса Бухородан Саримойга тикучарда зудлик билан

етиб келган Зокир Алматов жангариларни электркарнай орқали ҳақоратлаб, гаровга олинган одамларни озод қилишни талаб қила бошлади. “Мен — Зокир Алматовман. Ўзбекистон Ички ишла вазири сифатида қайтараман: сизлар ҳеч нарсага эриша олмайсизлар! Биз сизларни итларни отгандай отиб ташлаймиз! Яхшиликча таслим бўлинглар, акс ҳолда биз нафақат сизларни, балки сизларнинг мараз яқинларингизни ҳам йўқ қилиб ташлаймиз!” — дея бақирарди Ички ишлар вазири. Бироқ вазирнинг дўқ-пўпислари жангариларни кўрқита олмади. Улар Алматовга мурожаат қилиб, ҳеч қачон таслим бўлмасликларини, гаровдагиларни фақат Тошкентга етиб боргач, учоқ тақдим этилгач ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш арафасида озод қилишларини айтишди.

“Алматов, сен бизни ва қариндошларимизни отиб ташлашинг мумкин, лекин биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз. Агар сен бизни ва яқинларимизни ўлдирсанг, биз ва қариндошларимиз жаннатга тушамиз. Агар биз сени ва сенинги милиционер “ит”ларингни ўлдирсак, сен ва сенинги милиционер “ит”ларинг дўзахга тушасизлар. Биз Аллоҳ йўлида ҳалок бўламиз, сизлар эса кофир Каримов йўлида ҳалок бўласизлар! Биз бўлмасак, бошқа мужоҳидлар албатта сендан ҳам, сенинги фарзандларингдан ҳам қасос олишади. Алматов, шуни эсингда тут, сен ва фарзандларинг мужоҳидларнинг қасосидан қутулиб қола олмайсизлар. Ҳали вақти келади, ва сен мусулмонларга қарши қилган барча жиноятларинг учун жавоб берасан”, — деди Т.Бобожонов.

Ички ишлар вазири жангариларнинг жавобидан бироз шошиб қолди. Кейин эса яна уларни ҳақоратлаб бошлади. Ушбу музокараларга ва жангариларни баргараф қилиш амалиётига оид барча тафсилотларни З.Алматов телефон орқали президент И.Каримовга етказиб турди.

Мужоҳидлар Алматовнинг курук ҳақоратидан вазирда музокара ўтказиш нияти йўқлигини ҳамда вақтни ўлдириб, кун қоронгулашишини ва автобусни тунда ишғол қилмоқчилигини тушуниб етишди.

Кейинчалик жангариларнинг тахминлари тўғри бўлиб чиқди: кечга яқин автобус блокировка қилинган жойга ИИБга қарашли махсус отряд ҳамда Ўзбекистон Президенти хавфсизлик хизмати (ПХХ)нинг бир неча снайперлари етиб келди. Шундай қилиб...

Давоми келгуси сонда

Туркчилик ғоясининг ҳақиқатга айланиши**Анкара, Туркия**

Совет Иттифоқи кулагандан кўп вақт ўтмай Туркиянинг ўша пайтдаги президенти Сулаймон Дэмирэл майдони Адриатика денгизидан Хитой деворларига қадар узанган Туркий халқлар Бирдамлигини тиклаш учун ҳаракатлар бошлаганди. Уни бу мақсадни амалга оширишга рағбатлантирган нарса, шу чегаралар бўйлаб жойлашган беш давлат халқлари туркий халқлар тилида гаплашиши эди. Аммо Туркия бунинг учун кийин иқтисодий, дипломатик ва маънавий қарорлар бериши шарт эди.

ҳаракатларига тўсиқ бўлиб қолаверади.

Шунга қарамай Кремлнинг баъзи иқтисодий муаммолари шу ҳафтада Анкара шаҳрида муҳкама қилинади. Россия Ташқи Ишлар вазири Сергей Лавровнинг Туркиялик ҳамкасби билан Анатолия орқали ўтадиган қувурлар келажиги баҳс этилади. Бу қувурлар Россия ва Қозоғистон нефтини Сомсун турк портидан Жайхонга ўтказиши керак.

Ўтган ноябр ойида бўлиб ўтган Россия ва Туркия давлатлари анжуманида Президент Владимир Путин Россия газини Қора денгиз орқали Самсунга ташувчи йўл жуда ҳам зарурлигини, АҚШ томонидан бу борада тўскинликлар бўлсада,

нисбатан Анкара муносабатларининг ўзгараётганидир. Жаноб Солиҳ Олмонияда муҳолифатдаги "Эрк" раҳбари сифатида Ўзбекистон президенти Ислон Каримовга қарши ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жаноб Солиҳнинг таъкидлашича, Президент Каримов озгина демократик ва адолатли сайловда ўзини ютқазиб қўйишини яхши биледи ва шу боис у қалтираганча ўзини қўтқарадиган бир йўл изламоқда. 1993-йилда Муҳаммад Солиҳ Каримов босими остида Туркияга кочиқ келганди. Ўша пайта Туркия президенти Сулайман Дамирал эди. Афтидан Туркия яна Солиҳ учун ўз эшикларини очмоқда.

ТУРКИЯ МУҲАММАД СОЛИҲГА ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ОЧМОҚДА

Ўн йил давомида дунёвий раҳбарлар ва нефт саноатининг бошлиқлари кўшишлари натижасида, бу ҳафта Туркия ўзининг лисоний биродари Озарбайжон билан жуда муҳим алоқа ўрнатди. 28 май куни Каспий денгизидан дастлабки нефт босими янги қувур орқали Баку шаҳридан Гуржистонга ва ниҳоят Туркиядаги Жейҳан шаҳрига узатилди. Бу ҳодиса Америка сиёсатининг дунёнинг бир четидаги ноёб ғалабаси эди.

Туркия бу йўлда Шарқни Ғарб билан боғловчи воситачи ролини ўйнайди. Шу сабабли, Россиянинг собиқ Совет Иттифоқининг жанубий ҳудудларидаги газ ва нефт экспортидаги олғирликлари кучсизлантирилади.

Аммо, Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсий ва маданий таъсири ҳамон сақланиб қолаётгани, Туркиянинг бу минтақага бозор иқтисодиёти ва кўплаб туркий халқлар хайрихоҳ бўлган анъанавий Ислон динига асосланган демократияни тарғиб қилишга қаратилган

лойиҳани давом этириш кераклигини таъкидлаган эди. Россия айна пайтда Европага газ экспорт қилиш мақсадида Қора денгиз остидан Туркияга иккинчи газ қувурлари қуришни истамоқда. Баъзи ҳолларда Туркия ўзи қўшилишни истаётган Европа Иттифлига қараганда Россия билан яқин алоқададир. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 15 миллиард долларни ташкил этган, Туркия ҳозирги пайтда Россиянинг иккинчи катта савдо ҳамкориридир. 2007 йилда иккитомонлама савдо 25 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Туркия Россияга истеъмол моллари ва қурилиш материалларини сотади ва эвазига Россиядан электр энергияси олади.

Россия ва Туркия музокараларида Туркиянинг собиқ Иттифок Республикаларига бўлган сиёсати эътиборга лойиқдир. Бугун Туркия сиёсати олдинги йилларга қараганда бироз қатъийлашиб бормоқда. Бунинг бир мисоли машҳур ўзбек диссиденти Муҳаммад Солиҳга

Ўтган йилда Ўзбекистоннинг Андижон шаҳри содир бўлган қатлиомдан сўнг НАТОга аъзо давлатларнинг кўпчилиги Солиҳ учун минбар беришди. Солиҳ учун ўз эшикларини очиб берган Туркия Каримовни ашаддий ҳимоячиси бўлиб келаётган Россияни ғазабини қўзғати мумкин, бироқ Туркия Солиҳни қабул қилган Ғарб давлатларининг маънавий раҳномолигида бу қадамни ташлашга журъат этмоқда.

Агар жаноб Солиҳнинг Ўзбекистонда демократия албатта қарор топиши ва натижада бутун Ўрта Осиёда ўзгариш бўлиши ҳақидаги башоратлари тўғри чикса, Туркиянинг унга нисбатан сиёсати ўзгаришини олқишлаш мумкин. Нафақат Ўрта Осиёда демократия ва эркин бозор учун, балки Дамиралнинг туркий халқлар ҳамдўстлиги ҳақидаги мужмал орзуи учун ҳам бу жуда омади гапдир.

("The Economist" журнали, 06.2006)

Адабиётшуносларнинг айтишлари-ча, «Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман...» деб Қашқардаги муҳожирлик ҳаёти ҳақида ёзган буюк ўзбек шоири Фурқат, бугунги кунларда, яъни мустақиллик кунларида ҳам ўзбек ижодкорлари ватандан ташқарида муҳожир бўлиб юришини ҳаёлига келтирмаган ҳам бўлса керак. Хўжанд давлат университети профессори, фило-

қўллаган. Аввало, Бобуринг каерда бўлса ҳам шуни унутмагинки, унинг жони Андижонда, яъни ватанида қолган. Иккинчидан, шоир Бобурни тамоман "жонсиз" деб ҳис қилган. Чунки унинг жони ўша шаҳарнинг ўзидир. Шоир ватандан чиқиб кетди-ю, шаҳар жонсиз бўлиб қолди. Шоир ватанни жон билан баробар олади. Ватансизлик – бу жонсизликдир".

Ўзбекистон мустақилликка эришгач,

Хўжанд Давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси Мавлонберди Сууюнов: "Афсуски, ҳозирги замонда ҳам муҳожирлик қисмати бор.

Ўзбек адабиётининг забардаст шоири Муҳаммад Солиҳ, гарчи Ўзбекистон миллий истиқлолга эришган бўлса ҳам, муҳожирлик тўнини кийишга мажбур бўлди. Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиё-

МУҲОЖИРОТДАГИ ИЖОДКОРЛАР

логия фанлари доктори Абдусалом Абдуқодировнинг айтишича, Фурқат ит тимсолида ватанга вафони талқин қилган: "Фурқат ватандан четда, ватан соғинчи билан яшаб юрганда, Ватанни озод ва мустақил кўришни истаган. Шунинг учун ҳам Фурқат ватанига бўлган муҳаббатини, Фурқат ит тимсолида ифодалайди". Профессор Абдуқодир Абдусаломов Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўзбек шоирлари орасидаги буюк муҳожир сифатида кўради. :

«Не ерда бўлсанг, эй гул, андадир чун жони Бобурнинг, Ғарибингга тарахҳум айлагилким, анда жонидур».

Шоир худди мана шу байтида «анда жонидур» бирикмани икки маънода

бу мамлакатни ўнлаб ўзбек ижодкорлари тарк этдилар. Шоир Муҳаммад Солиҳ мустақил Ўзбекистоннинг биринчи муҳожир шоирларидан бирига айланди. Хўш, мамлакат Конституциясида сўз эркинлиги қафолатланган юртни нега бу ижодкорлар тарк этдилар? Хўжандлик адиб Шариф Нуриддин: "Менинг шахсий фикримча, Ўзбекистонни тарк этган шоирлар «озод мамлакат»да ўзларини озод ҳис этмаган.

Хур фикр бўлмаган юртда ҳақиқий шоирлар яшай олмайди. Тарихдан маълумки, кўпинча ватанни тарк этган шоирлар буюк одамлар бўлган. Чунки улар ўша давр билан, ўша сиёсат билан чиқишмайди".


тига улкан ҳисса қўшган, модерн шеърининг энг яхши вакилларида бири эди. Унинг муҳожирликда юришини ўзбек адабиётида катта бир йўқотиш, деб ҳисоблайман".

Хўжандлик журналист Мирзаҳаким Қобилов: "Мен ўйлайманки, бугунги кунда ватандан ташқарида юрган ўзбек адибларининг асарияти Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсат туфайли шундай бир оғир ҳаётга маҳкум этилган. Менинг ишончим комил, улар узоқда туриб булса ҳам ўз ватанининг шон-шарафини ҳимоя қилади, Ватаннинг чин озодлиги учун курашни тўхтатмайди".

Садриддин («Озодлик» радиоси, 05.07.2006)

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



Аммо нано-компьютерни биринчи бўлиб ишлаб чиқариш учун ривожланган мамлакатлар ўртасида мусобақа бошлангани сабабли, нано-компьютер режалаштирилган муддатдан олдин ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин.

Бунинг учун замин ҳозир.

Бугунги инсоннинг вужуди нанопарчаларга тўлган, десак муболаға бўлмайди. Яъни, бугунги инсон - бир ўтказгич каби - электромагнит тўлқинларини ўтказувчи ҳолига келган. Бу вазиятда, ўша Суперкомпьютерга қайси давлат биринчи бўлиб эга бўлса, у дарҳол Муайян Бир Киши миясининг электрон схемасини Компьютерга юклайди. Сўнгра вужудларига нанопарчалар жойлаштирилган инсонлар ўша Муайян Бир Киши миясига боғланади...

Ва улар дунёда ягона Мия (зеҳн) ҳолига келади!

“Бўл!” , дейилса, истаган нарса си дарров бор бўлади

Бутун дунёни эгалламоқчи бўлган, бир неча молекула катталигидаги нанороботлар ўз-ўзларидан тезлик билан кўпая олишади.

Ҳар қандай органик ёки анорганик моддани атомларигача эрита оладилар.

Кейин бу атомлардан янги бир модда ёки исталган бир нарсани зудлик билан янгидан ишлаб чиқарата оладилар.

Нанороботлар инсон овози ёки фикри билан бошқарилажақдир..

“Бўл!” , дейилса, исталган нарса дарров бор бўлади.

“Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Дажжол чиқади”.

Аслида, замонавий технология тараққиётини Дажжолнинг келишига тайёргарлик босқичи десак, хато бўлмайди.

Мазкур тараққиёт одамларга чиройли кўриниши, уларда инсонлар ҳеч бир хавф кўрмасликлари мумкин. Зотан, ҳатто мусулмонлар ҳам бу тузоқни кўрмай, уни таараққиётнинг эврилиши (эволюцияси) сифатида қабул қилмоқдалар.

Мусулмонлар, худди сеҳрланган каби, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хадисларига аҳамият бермайдилар. Ҳолбуки, Аллоҳнинг сўнги Пайғамбари

«Мендан сўнгра ҳар янгилик - бидъатдир, ҳар бидъат - залолатдир», деган эди.

Факат мусулмонлар, модерн технология тараққиётининг тузоғини кўрмасдан уни илмнинг табиий эврилиши сифатида қабул этмоқдалар. Ҳолбуки, нанотехнология мутахассисларининг ваъдаларига кулоқ соларкан, галати нарсаса, илоҳлик иддаосига дуч келамиз. Бу иддаога қараганда:

1. Бутун инсонларларнинг миялари ягона бир Мия ҳолига, идроки эса ягона Идрок ҳолига келажак (Дажжол идроки).

2. Инсон амалда ўлимсизлашажақ, абадий яшаяжақ. (Ўлимсизлик иддаоси)

3. Инсон ҳамиша 20-30 ёшида кўрина олажақ (Жаннатдагиларнинг ёши).

4. Минг йил аввал ўлган одамга ҳаёт бағишламоқ мумкин бўлажақ (Ўликни тирилтириш иддаоси).

5. “Бўл!” дейилганда исталган нарса дарҳол пайдо бўлажақ. (Яратиш иддаоси).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна шундай дейди:

“Ҳеч шубҳа йўқ-ки, дажжол чиқажақ. Дажжолнинг ёнида жаннати ва жаҳаннами бор. Унинг жаҳаннами – жаннат, жаннати эса жаҳаннамдир.” “Кўрларни ва оғир касалларни даволайди. Ўликларни тирилтиради ва “Мен Роббингизман”, дейди.

Ким унинг шу сўзларини тасдиқласа, дажжол фитнасига учрайди. Ким-ки “Роббим - Аллоҳ”, деса ва шу ҳолда ўлса, дажжолнинг фитнасига учрамайди, унга яна бир фитна ва азоб йўқ.”

Ҳа, Аллоҳ Таъоло бизга берган эзгулик ва ёмонликдан бирини танлаш ҳуқуқини охирига нафасимизгача муҳофаза қилмоқда.

“У (шайтон) сизни фақат ўзининг дўстларидан кўрқитади. Улардан кўрқманг, агар мўмин бўлсангиз, (фақат) Мендан кўрқинг.” (“Исро” сураси, 64).

“Инсоннинг генетик лойиҳаси” да ишлайдиган таникли америкалик тадқиқотчи доктор Коллинз: “Мукамал генетик тузилмамизда “Тангри гени” дейилган бир ген мавжудлиги аниқланди.

Бу гени актив (фаол) бўлмаган кишиларнинг иймонсиз бўлишини аниқладик. Аммо ҳозиргача амалга оширган тадқиқотларимизда “Тангри гени”ни активлаштирувчи (фаоллаштирувчи) ташқи бир таъсир-

ни топа олмадик. Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар ҳам, наслий сабаблар ҳам “Тангри гени”га таъсир қила олмайди. Тангри генининг мўжизавий тарзда актив (фаол) ҳолга келиши инсонларда иймон пайдо бўлишига олиб келишини тушундик”, дейди.

Яъни фақат Аллоҳнинг истаги ва иродаси билангина иймон гени активлашиши (фаоллашиши) мумкин.

Худди шунингдек, актив (фаол) иймон генини пассив (суст) ҳолга келтиришга ҳам Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир эмас: “*Аллоҳ ўзи истаган одамни йўлдан оздиради, ўзи истаган одамга ҳидоят (тўғри йўл) кўрсатади. У мутлақ куч соҳибидир, ҳукм ва ҳикмат эгасидир.*” (“Иброҳим” сураси, 4)

Нанотехнология

Нанотехнология ва ген технологияси маҳсулотлари - янги қўшимча моддалар ва табиий дорилар

Нанопарчалар: модданинг атом-молекуляр даражада юзага чиқарилган янги хусусиятларига эга парчаларидир.

Олтин каби қимматбаҳо модда ҳам нанопарча ҳолига келтирилганда хавфли кимёвий катализаторга (тезлаштирувчи) айлангани аниқланган.

Титандиоксид (TiO₂): дунёда энг кўп қўлланиладиган минерал бўлиб, нанотехнологияда қўлланиладиган асосий уч моддани биттаси.

Титандиоксид нанопарчаларининг атом тузилмаси ўзгартирилиб, “янгидан тикланган” модда.

Нур (фотон) титандиоксид нанопарчаларига тушганда, органик модда кимёвий реакция натижасида парчалана бошлайди. Бу сунъий фотосинтез ўсимликлардаги фотосинтезга ўхшайди.

Фотосинтез - карбондиоксид (углерод диоксида) ва сувнинг, шунингдек, нурнинг таъсирида органик модда, яъни озуқа моддасининг ишлаб чиқарилишидир.

Фақат титандиоксид ўсимликлардан фарқли равишда, органик моддаларни парчалаб, уларни карбондиоксид ва сувга ажратади, яъни тамоман тесқари ишни қилади.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош